# Qishloq hayoti

**Қишлоқ ҳаёти**

2013 йил — Обод турмуш йили

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz 2013-YIL 5-DEKABR, PAYSHANBA, 146 (8227)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.


*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

**ФАРМОНИ**

## ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

**Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:**

**1.** 2013 йилнинг 15 декабридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори ўртача ҳисобда 1,05 баравар оширилсин.

**2.** 2013 йилнинг 15 декабридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам:

иш ҳақи – ойига 96 105 сўм;

ёшга доир пенсиялар – ойига 187 970 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 187 970 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 115 340 сўм миқдорида белгилансин.

**3.** Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақи ҳамда пенсияларга қўшилган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2013 йилнинг 15 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

**4.** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бюджетдан молиялаштириладиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

**5.** Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2013 йилнинг 15 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

**6.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 11 июлдаги ПФ-4547-сонли Фармони (6-банди истисно қилинган ҳолда) 2013 йилнинг 15 декабридан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**7.** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

**8.** Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2013 йил 2 декабрь*

**8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН**




Мақсад ХАБИБУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.

**ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА**

## ТАДБИРКОРЛИК ВА ИНТЕРАКТИВ ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасида тадбиркорлик субъектларига интерактив давлат хизматлари кўрсатишнинг бугунги ҳолати ва истиқболларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда депутатлар, тегишли вазирлик ва идоралар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, мутахассислар, экспертлар иштирок этди.***



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси А.Жўрабоев, Ўзбекистон алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раисининг ўринбосари А.Файзуллаев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, соҳа вакилларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларга эркинлик ва имтиёзлар бериш, интерактив давлат хизматлари кўрсатиш сифати ва самарадорлигини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Бу йўналишда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самарасида 2013 йилнинг тўққиз ойида 21,2 мингта янги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектини ташкил этиш, кичик бизнес субъектлари томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 15,2 фоизга ўстириш ва ушбу секторнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини 51,2 фоизгача кўпайтиришга эришилди.

Тадбиркорлик соҳасини янада ривожлантиришда уларда интерактив давлат хизматлари кўрсатишни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этаётир. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 21 мартда қабул қилинган “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу йўналишдаги ишларни кенгайтиришда муҳим асос бўлмоқда.

**(Давоми 2-саҳифада)**

# ФИДОЙИ ЁШЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

**Президентимизнинг 2013 йил 3 декабрдаги "Юқори натижаларга эришган бир гуруҳ иқтидорли ёшларни мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонига биноан бир гуруҳ ёшлар "Ўзбекистон ифтихори" ва "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи" унвони, "Дўстлик" ордени, "Жасорат", "Содиқ хизматлари учун" ҳамда "Шуҳрат" медали билан тақдирланди.**



Ёлқин ШАМСИДДИНОВ (ЎзА) олган сурат.

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саньат саройида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида намуна кўрсатаётган, ҳар жабҳада фаол ва ўз тенгдошларига ҳақиқий ибрат бўлаётган истеъдодли ёшларнинг бир гуруҳига орден, медаль, фахрий унвонлар ва "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони топширилди.

Тантанали маросимда давлат ва жамоат арбоблари, вазирлик, идора ва муассасаларнинг мутасадди раҳбарлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати етакчилари ва фаоллари, талаба ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Ғаниев ва бошқалар истиқлол йилларида ўсиб келаётган ёш авлодга замонавий асосда ҳар томонлама чуқур билим бериш, уларни маънавий ва жисмоний жиҳатдан камол топтириш, зарур касб-ҳунар сирларини эгаллаб жамиятда ўз ўрнини топишга кўмаклашишга қаратилган ўзига хос тизим яратилганлиги, баркамол авлодни тарбиялаш масаласи мамлакатимизда улуғ мақсадга айланганлигини таъкидлашди.

Президентимизнинг 2003 йил 4 августдаги Фармонига биноан "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони билан мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштироки, маънавият, маданий мерос ва умуминсоний қадриятлар негизида юксак ватанпарварлик, халқпарварлик, фидойилик туйғусини ва меҳнатсеварлик фазилатларини ўзида мужассамлаштирган, Ватанимиз обрўси, шон-шуҳрати ва шарафини юксалтиришга ҳамда унинг халқаро нуфузини оширишга хизмат қилаётган ёшлар тақдирланади. Айни пайтгача ушбу мукофотга 382 нафар турли соҳаларда фаолият кўрсатиб келаётган ёшлар муносиб кўрилди.

Жорий йилда ҳам илм-фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, санъат, журналистика, спорт, қишлоқ хўжалиги, кичик бизнес, ҳуқуқ ва ҳарбий соҳаларда ўқиётган, ишлаётган ҳамда илмий-ижодий фаолият билан шуғулланиб, юксак натижаларни қўлга киритаётган 27 нафар ёшларга "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони топширилди.

– "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишонига сазовор бўлган ёшлар сафида эканлигимдан фахрланаман, – дейди Тошкент давлат аграр университети магистранти Гулсарвар Ёдгорова. – Ушбу нишон илммаърифат сирларини янада чуқур эгаллаб, шу юртга, Она ватанга муносиб фарзанд бўлиш масъулиятини юклайди.

Тақдирлаш маросимида юртимизда ёшлар камолоти йўлида олиб борилаётган тизимли ишлар ва бунга жавобан Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлида астойдил хизмат қилаётган ёшларимизнинг ибратли фаолияти эътироф этилди.

Тадбир иштирокчилари Мустақиллик майдонидаги ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу-ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

**Гулноза ТУРҒУНБОЕВА,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

# ТАДБИРКОРЛИК ВА ИНТЕРАКТИВ ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ

**(Боши 1-саҳифада)**

Мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг тўқсон саккиз фоизининг интернет тармоғида расмий веб сайти яратилган. Ушбу веб сайтлар орқали аҳоли ва тадбиркорларга бир неча йўналишда интерактив хизматлар кўрсатилмоқда.

"Электрон ҳукумат" тизимини шакллантириш ва ривожлантириш, тадбиркорларга ва аҳолига интерфаол давлат хизматлари кўрсатишнинг электрон шаклларини жорий этиш борасида амалга оширилаётган тизимли ишлар натижасида солиқ ва статистик ҳисоботларни масофадан туриб топшираётган тадбиркорлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Божхона декларацияларини тўлдириш, фирма номларини рўйхатдан ўтказиш, фуқароларнинг хўжалик судларига даъво ариза ва илтимосномаларини қабул қилишда ана шундай замонавий тизимдан кенг фойдаланилаётгани ижобий самаралар бермоқда.

Бир қатор давлат идораларида "ягона ойна" тамойилининг жорий этилгани тадбиркорлик субъектларининг кўчмас мулкка бўлган эгалик ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш, уларга қурилиш ишлари учун рухсатномалар беришда қатор қулайликлар яратмоқда. Бу борада амалга оширилаётган ишларни янада кенгайтириш ва соҳанинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бугунги давернинг муҳим талабидир. Ушбу йўналишдаги долзарб вазифалардан келиб чиқиб, "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Давра суҳбатида давлат органларида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашнинг янги тизимини жорий этиш, ягона интерактив давлат хизматлари портали ҳақида, статистик маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш оид интерактив хизматлар, товарларни электрон декларациялаш тизими, "ягона ойна" тамойили бўйича тадбиркорларга хизмат кўрсатиш борасида эришилаётган натижаларга оид маърузалар тингланди.

"Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш юзасидан фикр ва мулоҳазалар билдирилди.

**Б.ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

*Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида республика Хотин-қизлар қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Олима" аёллар уюшмаси ҳамкорлигида юртимизда фаолият олиб бораётган иқтидорли хотин-қизларнинг илмий изланишларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг илмий йўналишда татбиқ этаётган инновацион лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, ёш олималар сафини кенгайтириш мақсадида "Илм юлдузлари" интеллектуал кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.*

# ИЛМ ЮЛДУЗЛАРИ

Танловнинг очилишида таъкидланганидек, мамлакатимизда таълим соҳасига қаратилаётган эътибор ва олиб борилаётган ислоҳотлар боис хотин-қизларнинг фан ва таълимдаги ўрни тобора ортиб бормоқда.

Мазкур танлов ҳам мамлакатимиз хотин-қизларини илм-фан тараққиётига ҳисса қўшишга жалб этиш йўлида муҳим амалий қадам бўлиб келмоқда. Жорий йилги кўриктанловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 25 ёшдан 40 ёшгача бўлган 14 нафар илм-фан соҳасида ибратли фаолият олиб бораётган хотин-қизлар иштирок этди.

Кўрик-танлов иштирокчилари 3 та шарт асосида ўзаро беллашдилар. Танлов иштирокчилари "Олий соврин соҳиби", "Энг моҳир миллий қадриятлар тарғиботчиси", "Томошабин эътиборига сазовор иштирокчи" ва бошқа номинациялар бўйича тақдирланди. Уларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова иштирок этди.

**Наргиза ҲОТАМОВА**




# ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ БИЛИМИ ОШМОҚДА

**Бухоро давлат университети қошидаги 1-академик лицейда ёшларнинг ҳуқуқий билимини юксалтириш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.**

Лицейда ўтказилаётган давра суҳбатлари, баҳс-мунозаралар ёшларнинг Ватанимиз тарихи, миллий қонунчилигимизга оид билимини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Ўқувчиларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда лицейнинг ахборот ресурс маркази ҳам яқиндан кўмак бераётир. АРМ китоб фонди, электрон катологи сиёсий, ҳуқуқий адабиётлар, маълумотлар билан мунтазам бойитиб борилмоқда. Ёшлар бундай кенг имкониятлардан самарали фойдаланмоқда.

**Тоҳир ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат.**

# ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ЭМАС

*Пойтахтимиздаги 22-сонли Меҳрибонлик уйида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Тошкент ирригация ва мелиорация институти томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда институт ўқитувчи-профессорлари, қишлоқ хўжалик соҳаси мутахассислари, талабалар ҳамда меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари иштирок этди.*

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётнинг янада обод бўлиши учун амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Айниқса, ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялаш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, жамиятда аҳиллик ва тотувликни таъминлаш борасидаги амалга оширилаётган ишлар эътирофга муносибдир. Бунда Асосий Қонунимиз муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир. Хусусан, Конституциямизнинг 45-моддасида "Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир", деб белгилаб қўйилган.

"Обод турмуш йили" Давлат дастури асосида ҳам ёш авлоднинг ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши учун зарур шароит ва қулайликлар яратиш, оила, маҳалла, таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Тошкент ирригация ва мелиорация институти томонидан ҳам шу йўналишда қатор тадбирлар амалга оширилиб келинаётир. Ушбу тадбир ҳам уларнинг навбатдагиси бўлди.

Тадбирда айтиб ўтилганидек, бугун юртимизда ҳар бир ўғил-қиз меҳр ва эътибордан баҳраманд. Эртасини ўйлаган халқнинг, давлатнинг бугунию келажаги буюк, болалари бахтиёр бўлади.

Тадбир давомида институт талабалари томонидан ўқувчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг Конституциямиз бераётган имкониятларни кўрсатувчи саҳна кўринишлари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

**Ҳасан АБДУҒАНИЕВ**

# БАРКАМОЛ АВЛОД — ЮРТ КЕЛАЖАГИ

**Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан “Республикамиздаги спорт иншоотлари ва таълим масканларини спорт анжомлари билан таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар: муаммо ва ечим” мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.**




Унда таъкидланганидек, мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашга устувор вазифалардан бири сифатида қаралади. Бу жараёнда Президентимизнинг 2002 йил 24 октябрдаги “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида”ги ва 2004 йил 29 августда имзоланган “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари ёшлар ўртасида спорт ҳамда соғлом турмуш тарзини янада оммалаштириш, барча ҳудудларда болалар спортини жадал ривожлантиришга хизмат қилаётир.

Мамлакатимизда бу борада тегишли меъёрий-ҳуқуқий база яратилгани боис спортни ривожлантиришга доир комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Спортчиларни тайёрлаш, мураббийлар меҳнатини рағбатлантириш бўйича самарали тизим йўлга қўйилган, мактабдан ташқари спортга ихтисослашган таълим муассасаларининг моддий-техник базаси замон талаблари даражасида мустаҳкамланган. Президентимизнинг қарорлари асосида қишлоқ жойлардаги умумтаълим мактабларида жисмоний тарбиядан дарс бераётган аёл мураббийлар ойлик маошларига 15 фоиз устама белгиланганлиги, шунингдек, уларнинг шогирдлари эришган халқаро доирадаги юқори натижалари эвазига 400 фоизгача устама иш ҳақи берилиши каби имтиёз ва рағбатлантиришлар машғулотлар самарасини ҳамда ўқитувчи-мураббийларда ўз ишига бўлган масъулиятни янада оширмоқда.

Айни пайтда республикамизда 1 миллион 800 минг нафардан зиёд ўғил-қиз спортнинг ўттиз саккиздан ортиқ тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Улар турли республика ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда совриндорлар қаторидан ўрин олмоқда. Бунда болаларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга фаол жалб этаётган болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг хизмати катта.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда қурилган янги спорт иншоотларининг аксарияти юртимизнинг чекка ва олис ҳудудларида бунёд этилган. Бу эса спортнинг кўплаб турлари бўйича мунтазам шуғулланаётган ёшлар сафи тобора кенгайишида муҳим омил бўлмоқда. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан кейинги ўн йилда барпо этилган 1113 та болалар спорти объекти, жумладан, 252 янги спорт комплекси, 861 та спорт залининг 84 фоизи қишлоқ жойларда қурилди. Фақат 2013 йилнинг 6 ойи мобайнида 103 та янги болалар спорт майдончаси ташкил этилди.

2013 йил қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилган иншоотлар 82 турдаги 4,1 млрд. сўмга тенг спорт инвентарлари билан жиҳозланди.

Фойдаланишга топширилган мазкур спорт иншоотларининг аксарияти қишлоқ жойларида барпо этилганлиги республикамизнинг чекка ҳудудларида аҳолини, айниқса, ёшларни спортга кенг жалб этиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш имкониятларини янада оширди. Натижада спорт ва жисмоний соғломлаштириш машғулотлари билан шуғулланаётган ўқувчи-ёшлар сафи сезиларли даражада ортди. Бу ижобий кўрсаткичлар ўз ўрнида болалар саломатлигининг яхшиланиб бораётганидан ҳам кўринади.

Бугунги кунда мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиб, ўз иқтидор ва маҳоратларини тинмай ошириб бораётган ёшларимиз спорт соҳасида ватанимиз терма жамоалари таркибининг асосини ташкил этиб, халқаро мусобақаларда юқори натижаларга эришмоқда. Авваллари бундай беллашувларга пойтахт, нари борса вилоятлар марказларидаги спорт базаларида тайёрланган спортчилар олиб борилар-ди. Эндиликда эса улар қаторидан мамлакатимизнинг қишлоқ жойларидан етишиб чиққан спортчилар ҳам ўрин эгалламоқда. Бу болалар спортини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар самараси нафақат спортда эришилаётган ютуқларда, балки одамларимиз онгида юз бераётган ўзгаришларда, уларда фарзандлар келажаги, мамлакат истиқболига масъуллик, дахлдорлик туйғуларининг юксалаётганлигида ҳам намоён бўлмоқда.

Халқаро майдонда, нуфузли спорт мусобақаларида мамлакатимиз шаънини улуғлаётган спортчиларимиз, айниқса, қизларимизнинг юксак муваффақиятларини оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғиб этиш, ютуқларини ёшларга ибрат сифатида намоён этиш ҳамда уларни шундай юксак марралар сари чорлаш муҳим аҳамият касб этади.

Жумладан, Германия, Хитой, Польша, Болгария, Малайзия, Шри-Ланка, Таиланд, Россия, Украина, Қозоғистон, Миср, Эрон, Озарбайжон, Грузия, Туркия, Латвия, Жанубий Корея, Франция, Италия, Бирлашган Араб Амирликлари, Греция давлатларида бўлиб ўтган 39 та халқаро спорт мусобақаларида спортнинг гандбол, футбол, чим устида хоккей, бадминтон, шахмат, шашка, стол тенниси, сузиш, синхрон сузиш, сув полоси, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, батутда сакраш (трамполин), акробатика, армрестлинг, юнон-рум кураши, белбоғли кураш, дзюдо, бокс, қўл жанги, таэквондо, каратэдо, жеткундо ва универсал жанг турлари бўйича 439 нафар ўқувчи-ёшлар иштирок этди. Уларнинг аксарияти қишлоқ жойларидан. Ушбу халқаро мусобақаларда иштирок этган ёшларимиз, жами 235 та, жумладан, 68 та олтин, 67 та кумуш ва 100 та бронза медалларини қўлга киритишди.

Ҳа, мамлакатимизда спортни тобора ривожлантириш йўлидаги бундай эътибор ва ғамхўрлик спортчиларимизнинг мамлакат, қитъа ва жаҳон чемпионатларида муваффақиятли қатнашишида асосий омил бўлмоқда.

Матбуот анжуманида журналистларнинг юртимизда спорт мактабларининг моддий-техник базасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар, соҳадаги муаммо ва камчиликлар ҳақидаги саволларига батафсил жавоб берилди. Спортни оммалаштиришга оид ишларни янада такомиллаштиришга доир фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Азиз НУРУЛЛАЕВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

# «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» КУБОГИ МУСОБАҚАЛАРИ

*Юртимизда ёшларни етук ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, уларни ватанпарварлик руҳида камол топишларини таъминлаш, иқтидори ва қобилиятларини намоён этишлари учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда.*


Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

Бу борада болалар ва ўсмирлар спорти ривожига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги аҳамиятлидир. Турли спорт мусобақаларини ташкил этиш орқали ёшларни оммавий тарзда спортга жалб этишга эришилмоқда. Бугунги кунда республикамизда Стол тенниси Федерациясининг 118 та бўлимлари фаолият олиб бормоқда. Мазкур спорт тури билан 14 мингдан ортиқ болалар шуғулланяпти.

“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари ва Халқ таълими вазирликлари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда стол тенниси федерацияси ҳамкорлигида “Соғлом авлод учун” кубоги доирасида ҳар йили ўсмирлар ўртасида спорт мусобақалари ўтказиб келмоқда. Шу йил 2-4 декабрь кунлари Тошкент шаҳридаги 38-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида X республика ўсмирлар турнири бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда вилоятлардаги мусобақаларда биринчи босқичда ғолибликни қўлга киритган 56 нафар ўғил-қиз қатнашди. Мусобақа иштирокчилари жуфтлик ва якка тартибда ўзаро беллашдилар.

Турнир ғолиблари ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Аҳмаджон РИХСИБОЕВ**

Тошкент Вилояти

▼ ҚИШ ФАСЛИ – ИШ ФАСЛИ

# ДАЛАСИ ОБОДНИНГ ИШИДА БАРАКА БОР

## БУНИ ЯХШИ АНГЛАБ ЕТГАН БЕКОБОД ТУМАНИ ФЕРМЕРЛАРИ ҲАМ ҚИШКИ АГРОТЕХНИК ТАДБИРЛАРНИ ОБИ-ТОБИДА АМАЛГА ОШИРМОҚДАЛАР

**Қиш бошланди. Далалар қиш уйқусига кирди. Аммо қорли-қировли кунларда далада иш тугайди, деган деҳқон ютқазади. Мўл ҳосил етиштириб, ўзим ҳам бойийман, элу юртимни ҳам бойитаман, деган деҳқон ҳаракатини қишда қилади, қишни ҳам иш фасли билади. Негаки, бўлғуси ҳосил замини айни кунларда яратилади.**

Бекобод — иқлим ва табиий шароит жиҳатидан Тошкент вилоятидаги ўзига хос туманлардан ҳисобланади. Ёзи жазирамали, қиши доимий шамол туфайли бирмунча изғиринли кечади. Ерларнинг асосий қисми насослар орқали суғорилади. Туман деҳқонлари чигитни асосан пуштага экишади. Бунинг ҳам ўзига хос омили бор. Яъни доимий шамоллар боис, тупроқдан нам тез кўтарилади. Шундай кезларда дарҳол чигит суви беришга тўғри келади. Бу ерда агротехник тадбирлар табиий шарт-шароитга қараб, бошқа туманларга нисбатан олдинроқ юради. Ғалла ҳам бирмунча барвақт етилади. Вилоятда фақат мана шу туманда айрим ҳудудларда шўр ювилади. Мана шундай шароитларга қарамай туман фермерлари омилкорлик билан ғалла ва пахтадан мўл ҳосил олиб, юксак натижаларга эришиб келишмоқда. Жорий йилда улар қишлоқ хўжалик экинларининг барча турлари бўйича белгиланган режаларни зиёди билан уддалашди. Айни вақтда қиш фаслини – иш фасли, дея билган туман миришкорлари қишки тадбирларни сифатли амалга оширмоқдалар. Келгуси йил ҳосилига мустаҳкам пойдевор қўйилмоқда.

– Мазкур агротехник тадбирлар ҳосил тақдирида асосий омил ҳисобланади, – дейди туман ҳокими Шодибек Ҳамроев. – Шу боис, барча қишлоқ хўжалик ходимлари, уларга камарбаста ташкилотлар ушбу жараёнга алоҳида эътибор билан қарашади.

Маълумотларга кўра, туман далаларида ҳозирга қадар ҳосилдан бўшаган ялпи экин майдонлари тўлиқ шудгорланди. 14 минг 323 гектар майдонга экилган ғалла тўлиқ ундириб олинди. Улар қишки тиним даврига туплаган ҳолда кирмоқда. Ғалла майсалари озиқлантирилиб, ўз вақтида суғорилди. Бу жараёнда "Оҳангарон-Далварзин" ирригация тизими бошқармаси Бекобод бўлимининг 52 нафар ишчи-хизматчи ва туман сув истеъмолчилари уюшмаларининг 56 нафар аъзолари ҳамда фермер хўжаликларининг 1356 нафар сувчилари иштирок этдилар. Шу билан бир қаторда туманда хўжаликлараро сув ҳавзаларини тозалаш, гидротехник иншоотларни таъмирлаш, далага маҳаллий ўғит чиқариш ва жамғариш, лозим топилган ғалла майсаларини қўшимча озиқлантириш ҳамда техникаларни созлаш ишлари ҳам тезкор давом эттирилмоқда. Ушбу тадбирларни амалга оширишда вилоят "Қишлоқхўжаликкимё" ҳудудий бўлимининг туман филиали, "Оҳангарондон" ҳиссадорлик жамиятининг Бекобод тумани дон қабул қилиш шохобчаси жамоаси ҳамда "Агротехсервис" масъулияти чекланган жамияти ишчи-хизматчилари алоҳида жонбозлик кўрсатмоқдалар.




"Қишлоқхўжаликкимё" корхонасида минерал ўғитлар билан ишлов берилган 4 минг тонна компост тайёрлаш ишлари қизғин бормоқда.

– Ўтган даврда жамиятимиз техника базасини етарлича мустаҳкамлашга эришганимиз бугун шартнома асосида фермерларга намунали хизмат кўрсатиш имконини бермоқда, – дейди Бекобод тумани "Агротехсервис" масъулияти чекланган жамияти раиси ўринбосари Иброҳим Нозимов. – Жорий йилнинг ўзида 7 та ҳайдов, 20 та пахта териш, 17 та ТТЗ-80 русумли техника, 4 та ОВХ, 11 та культиватор, 5 та омоч, 2 дона НРУ агрегатларини олишга муваффақ бўлдик. Шу кунларда кузги-қишки тадбирларда жамиятимиз томонидан 12 та юқори унумли техника, 30 нафар ишчи-хизматчи иштирок этмоқда.

Туман бўйича ишлатилаётган 60 дан зиёд техниканинг кунлик унумдорлиги юқори бўлмоқда. Агрегатларни ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари билан таъминлашда "Кучлук" нефть базаси Бекобод филиали томонидан 16 та кўчма ёнилғикаш фаолияти йўлга қўйилган.

Шу билан бир қаторда фермер хўжаликлари тасарруфидаги техникаларни баҳорги ишларга тахт қилиб қўйиш мақсадида таъмирлаш ишлари ҳам жадал давом этмоқда.

– Туманимизда таъминловчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналар томонидан биз фермерларга сифатли сервис хизматлари кўрсатиш намунали йўлга қўйилганлиги боис барча кузги-қишки тадбирларни ўз муддатида ниҳоясига етказдик, – дейди "Содиқ" фермер хўжалиги раҳбари Содиқ Исабоев. – Бугун ғалламиз дуркун ўсмоқда. Пахта экиладиган майдонларимиз ҳам ҳозирданоқ мавсумга тахт. Далага мўлжалдаги маҳаллий ўғит чиқаздик.

Ҳа, қиш фаслини иш фаслига айлантирган бекободликлар мана шундай шижоат билан меҳнат қилмоқда. Бу билан келгуси ҳосилга пойдевор, юксак хирмонга – ризқ бутунлиги, дастурхон тўкинлиги, пировардида, фаровонликка замин қўйилаётир. Қолаверса, бугунги тадбирлар яна бир муҳим жиҳат ободлик билан боғлиқки, ободлик бор жойда эса файз ва барака бўлади.

**Иброҳим ТОШЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

*Жорий йилда пахтакорларимиз 3 миллион 350 тоннадан зиёд юксак "оқ олтин" хирмони бунёд этдилар. Табиат кўрсатган инжиқликларга қарамай эришилган ушбу ютуқда пахтакорларимизнинг фидокорона меҳнатлари билан бирга илм-фаннинг амалиётга жорий этилиши ҳам муҳим аҳамият касб этди.*



# ПАХТАЧИЛИКДАГИ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР ТАҲЛИЛИ, ЮТУҚЛАР, ИСТИҚБОЛ РЕЖАЛАРИ

Юртимиз пахтачилиги ютуқларида бевосита Ўзбекистон Пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг ўрни катта. Институт олимларининг изланишлари натижасида республикамиз тупроқ-иқлим шароитига мос ғўза навлари яратилди. Шунингдек, ғўза навларининг хусусиятлари ва бошқа жиҳатлар эътиборга олинган ҳолда кузги шудгорлашдан то ҳосил йиғиштириб олингунга қадар парваришлашнинг мажмуавий агротехнологияси ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди. Институт селекционер олимлари томонидан истиқлол йилларида 30 га яқин янги ғўза навлари яратилди ва районлаштирилди, 10 та нав эса истиқболли деб топилиб, ҳозирги кунда ушбу навлардан 8 таси районлаштирилган ва республикамизнинг қарийб 500 минг гектар майдонида экилиб, юқори ҳосил олиб келинмоқда.

Изланишни давом эттираётган институт жамоаси фермер хўжаликларида тупроқ унумдорлигини сақлаш ва муттасил ошириб бориш, ғўза ва ғўза мажмуидаги экинлардан юқори ҳамда сифатли ҳосил олишнинг ресурс тежовчи илғор, замонавий агротехнологияларини қўллаш, ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ эрозиясига қарши курашиш, суғоришнинг сув тежовчи технологияларини жорий этиш, эртаки ва сифатли пахта ҳосили етиштириш технологияларини ишлаб чиқиш ҳамда шўрга, қурғоқчиликка ва гармселга чидамли ғўза навларини яратишда селекция жараёнларини такомиллаштириш каби устувор вазифалар юзасидан илмий изланишлар олиб боришмоқда.

Институтда ташкил этилган "Ғўза ва ғўза мажмуидаги экинларни парваришлаш агротехнологияларини такомиллаштириш" мавзусидаги республика илмий-амалий анжуманида ана шундай вазифалар таҳлил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази, Ўзбекистон Пахтачилик илмий-тадқиқот институти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда пахтачилик борасида йирик илмий база бор. Бугунги давр – иқлим ўзгариши, ерларнинг мелиоратив ҳолати, жаҳон пахта бозорида тола сифатига қаратилаётган эътибор пахтачиликда янги масалаларни ўртага қўймоқда. Ерга муносабатнинг ўзгариши, фермерлик ҳаракатининг кенг қулоч ёзиши, улар билан ҳамкорликни кенгайтириш, янги навларни амалиётга жорий этишда ҳамда пахта ҳосилдорлигини ошириш, тола сифатини яхшилашда омил бўладиган тажрибаларни кенг татбиқ этишда муҳим роль ўйнайди.

Анжуманда олимларнинг ана шу каби масалаларни таҳлил этган маърузалари тингланди. Илм-фан ютуқларини амалиётга жорий этиш борасида фикр алмашилди. Истиқболдаги вазифалар белгилаб олинди.

**Озод ОЧИЛОВ**

Қашқадарё Вилояти

# БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Қарши шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури ҳамда ГЭФ Кичик грантлар Дастури томонидан Қашқадарё дон экинлари селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот иститутида фермер хўжаликларида ерларни лазерли текислашни ташкил этиш ва ўтказишга бағишланган семинар бўлиб ўтди.**

Глобаллашув жараёнида юз бераётган иқлимий ўзгаришлар, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш зарурлигини талаб қилмоқда. Бугунги кунда эгат оралаб юза суғориш усули етакчи бўлиб қолмоқда. Бироқ бундай усулда дала юзаси нотекислиги сабабли сувнинг деярли ярми исроф бўлади. Шу сабабли БМТ Тараққиёт Дастурининг "Иқлимий хавфларни бошқариш" лойиҳаси ҳамда ГЭФ Кичик Грантлар Дастури билан ҳамкорликда Қашқадарё вилоятидаги Ғузор, Қарши, Нишон, Касби, Миришкор туманларида лазерли текислаш усули йўлга қўйилди. Бунинг учун БМТТД томонидан зарур асбоб-ускуналар сотиб олинди.

— Семинарни Қашқадарё вилоятида ўтказилиши бежиз эмас, — дейди Урганч давлат университети катта илмий ходими Ойбек Эгамбердиев. — Биз бу борада Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида кенг кўламдаги ишларни амалга оширдик. Натижалар ёмон бўлмади, аксинча сув сарфи 15-20 фоизга тежалди. Бегона ўтлар миқдори кескин камайди. Дала майдони бир хил намлик билан таъминланди. Уруғларнинг унувчанлиги ва ўсимликларнинг озуқа моддалар билан таъминланиши яхшиланди. Сувдан фойдаланишнинг самарадорлиги 25-30 фоизга ошди. Дала майдони ҳар йили текисланмасдан 3-5 йилда бир марта текисланадиган бўлди.

Шу ўринда вилоятдаги Айрум каналида сувдан оқилона фойдаланиш ва ушбу ҳудуднинг томорқаларини сув билан таъминлаш мақсадида сувни ростловчи иншоотлар барпо этилганлигини айтиш жоиз. Шунингдек, томчилатиб суғориш ускуналари ўрнатилган иссиқхоналар қурилди. Уларда айни пайтда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилмоқда.

Семинарда сўз олганлар ерларни лазер нивелирларида текислаш ва унинг афзалликлари ҳақида фикр юритдилар. Фермерлар мазкур технологияни ўз хўжаликларида синаш тажрибаси билан ўртоқлашдилар. Далаларни лазерли текислаш бўйича амалий машғулот ўтказилди.

**Хусан ТЕМИРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

# ҚИШ ТАШВИШЛИ БЎЛМАСИН ДЕСАНГИЗ

*Қиш бошланмоқда. Бу фаслнинг ўзига хос зийнати, завқи бор. Шунинг баробарида ташвишлари ҳам. Шу боис, қишга алоҳида тадорик кўрамиз. Бу фаслда эътиборимизни ошириш лозим бўлган жиҳатлар ҳам борки, улар турмушимизнинг обод ва соғлиғимиз мустаҳкам бўлишининг омилидир. Бошланаётган қиш фасли ҳар биримиздан уйимизни иситишда огоҳликни янада оширишни тақозо этади. Келинг, эътиборсизлик оқибатида келиб чиқадиган нохуш ҳолатларнинг баъзи бирлари ҳақида тўхталиб ўтамиз.*



### ИС ГАЗИДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Кунларнинг совиши натижасида хонадонларни иситишга тўғри келади. Шу мақсадда газ ва кўмирдан фойдаланилади. Унинг эса қатор қоидалари ҳам борки, эсдан чиқармаслик керак. Уларга амал қилмаслик натижасида ис газидан заҳарланиш ва маиший газнинг чақнаши оқибатида жабрланиш ҳолатлари кузатилиши мумкин.

Таҳлилларга кўра, токсик заҳарланиш ҳолатларининг 60-70 фоизи табиий газ билан боғлиқ бўлиб, 15-20 фоиз қисми табиий газ босимининг ўзгарувчанлиги таъсирида юзага келиши мумкин. Куз-қиш мавсумида табиий газга нисбатан аҳоли эҳтиёжи ортиши ва истеъмолчилар томонидан қўшимча газ сўриш насосларининг ўрнатилиши, айрим ҳолларда газ тақсимлаш ускуналарининг қуввати, аҳоли эҳтиёжига мос келмаслиги ёки носозлиги газ босимининг ўзгаришига олиб келади. Баъзан электр энергия таъминотидаги техник жараёнлар натижасида газ сўриш насосларининг ёниқ қолиши табиий газдан заҳарланиш ҳолатларини келтириб чиқаради.

Ис гази ҳақида мутахассислар шундай дейишади:

Аввало, ис гази нафас йўлларидан организмга кириб, қизил қон доначаларидаги гемоглобин билан бирикишидан карбокгемоглобин ҳосил бўлади. Бу модда кислородни бириктира олмайди, натижада тўқима ва ҳужайраларда кислород етишмайди.

Ис теккан кишининг боши қаттиқ оғрийди, кўзи тинади, кўнгли айнийди, дармони қурийди. Агар ис тегиши узоқ вақт давом этадиган бўлса, киши батамом ҳолсизланиб, ўрнидан туролмай қолади. Натижада бутунлай ҳушидан кетади.

Бундай ҳолатда биринчи тез ёрдам кўрсатиш керак бўлади. У эса қуйидагича амалга оширилади. Ис теккан киши тезлик билан тоза ҳавога олиб чиқилади. Нафас олиши тўхтаган бўлса, сунъий нафас берилади.

### БОТУЛИЗМ БЕПАРВОЛИКДАН БОШЛАНАДИ

Қиш мавсумида аҳоли ўртасида тузланган, дудланган ва консерва маҳсулотларини истеъмол қилишга бўлган талаб ортиши натижасида уй шароитида тайёрланган консерва маҳсулотларини истеъмол қилиб, касалланиш ҳолатлари кузатилади.

Мутахассислар овқатдан заҳарланишни – ботулизм деб аташади. Сифатсиз балиқ, колбаса, гўшт маҳсулотлари, мева ва сабзавотли консервалар, қўзиқоринларнинг истеъмол қилиш натижасида келиб чиқадиган ушбу касаллик тўсатдан бошланади. Беморнинг боши айланади, кўзи тинади, кўнгли айнийди, уйқуси қочади, қорни оғрийди, оғзи қурийди, ташна бўлади, кўпинча қабзият кузатилади. Ушбу хасталик марказий асаб тизимининг оғир шикастланиши билан кечади. Бунда мушаклар фалажи рўй беради. Биринчи навбатда, бош соҳасидаги мушаклар, яъни кўз, ҳалқум ва нафас олишда иштирок этувчи ўпка мушаклари фалажи юз беради. Беморлар нафас олишининг бузилиши оқибатида оғир ҳолатга тушадилар.

Ушбу хасталик билан оғриган беморлар фақат шифохонада даволанадилар. Ботулизмга қарши зардоб, сунъий нафас олдириш аппаратлари ёрдамида курашилади.

Хаста бўлмасдан туриб, унинг олдини олган маъқул. Шу боис, мазкур касалликнинг келиб чиқмаслиги учун, энг аввало, консервалаш жараёнида ва озиқ-овқат тайёрлашда санитария талабларига эътибор қаратиш лозим бўлади. Қолаверса, консерва идишлари қопқоқларида шиш ва суюқликларнинг тиниқлиги ўзгаришига доимо эътиборли бўлиш керак.

Соғлиғимиз – бойлигимиз. Шундай экан, унга лоқайд қарамайлик.

*Яқинда Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан ана шундай ҳолатлар профилактикасига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.*

*Унда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва таркибий тузилмалар томонидан тегишли хизматлар билан ҳамкорликда жойларда бундай ҳолатларнинг олдини олиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, айни вақтгача жойларда 2532 та объект ўрганиб чиқилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилди. Шунингдек, бу борада тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, маҳалла, қишлоқ, овул фуқаролар йиғинлари, газ таъминот филиаллари ва ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари билан биргаликда газ тақсимлаш ускуналарининг бир маромда ишлашини назорат қилиб бориш ишлари ҳам изчил равишда амалга ошириб борилмоқда.*

*Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликлари мутахассислари бундай ҳолатларнинг олдини олиш чора-тадбирлари ҳақида маслаҳат ва тавсиялар бердилар.*

**Аҳмаджон РИХСИБОЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**




## ЎТ БАЛОСИДАН АСРАСИН

**Кексаларимиз дуога қўл очар экан гап орасида "ўт балосидан асрасин" деб қўшиб қўйишади. Дарҳақиқат, ёши улуғларимиз билиб гапиришади-да.**

